
“Обод қишлоқ” дастури доирасида қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизилди

Ўзбекистон туманидаги “Хотамтой” маҳалла фуқаролар йиғини “Обод қишлоқ” дастури асосида кўркам қиёфа касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 23 мартдаги “2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида айти маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб қизғин давом этмоқда.

Хусусан кун-кеча йиғин ҳудудидаги Қозиқузот қишлоғининг “Омад” ва “Наврўз” кўчалари ички йўлларининг 400 метрдан зиёд қисмига асфальт ётқизилиб, раvon ва соз ҳолатга келтирилди.





2022-12-26 15:27:52